*Тошкент тарихини биласизми?*

# ТЎРТ ДАҲАНИНГ БИРИ

Тошкент шаҳрининг марказида жойлашган Шайхонтоҳур ёки халқ ибораси билан айтганда Шайхонтовур фақат Тошкент халқигагина эмас, балки бутун Туркистон аҳлига ҳам муқаддас зиёратгоҳ сифатида маълум ва эъзозлидир. Тошкент шаҳрининг тўрт даҳасининг бири қадимдан Шайхонтоҳур даҳаси деб аталган. Бинобарин, жонажон ватанимиз Ўзбекистоннинг мустақилликка эришгани шарофати билан, 1992 йилда Тошкент шаҳрининг энг гавжум туманларидан бири собиқ "Октябрь" туманига Шайхонтоҳур номи берилди.

"Рашаҳот айн ал-ҳаёт" ("Ҳаёт булоқларидан оққан томчилар") асарида ёзилишича, Шайхонтоҳур илоҳиёт ва тариқат илмининг йирик намояндаларидан бўлиб, бул зотнинг асл номи Шайх Хованд Таҳурдир. Шайх Хованд Таҳур ҳозирги Бўстонлиқ туманининг Боғистон қишлоғидан, Шайх Умар боғистонийнинг ўғлидир. Ул зот ўз замонасининг йирик мутасаввуфларидан бўлган. Бинобарин, Шайх Хованд Таҳур илоҳиёт ва тариқатга доир илк сабоқни ўз падари бузрукворларидан олади. Шайх Хованд Таҳур "Яссавия" тариқати йўлидан бориб, мазкур тариқат маслакдошларидан бир нечаси билан мулоқотда бўлиб, фойдали йўл-йўриқлар олади. Ул зот кўп йиллар давомида бузруквор алломалар мулозаматида бўлиб, илми зоҳий ва илми ботиний сир-асрорларидан воқиф бўлади ҳамда кароматгўй етук алломалар орасидан юксак мақомга эришади.

Шайх Хованд Таҳурнинг таваллуд йиллари ҳақида аниқ маълумот учрамайди. Аммо ул зотнинг вафот этган йилига қараб, ҳар ҳолда XIII асрнинг охирида таваллуд топган деб тахмин қилинса бўлади.

"Намаҳот мин нафаҳот ал-кудс" номли асарда ривоят қилинишича буюк аллома Шайх Умар Боғистоний кўп йиллар давомида фарзандсиз бўлиб, кунлардан бир кун ўз завжайи муҳтарамалари билан бирга имом Абубакр Қаффол Шошийнинг муқаддас мақбараларига (ҳозирги Ҳазрати Имом) келишиб, Аллоҳ-таолодан фарзанд ато этишини илтижо қилишган экан. Шундан сўнг кўп ўтмай улар фарзнд кўришган. Бола туғилгач Шайх Умар Боғистоний чақалоқни олиб имом Абубакр Қаффол Шошийнинг мақбараларига зиёрат учун келган. Улар мақбарага яқинлашгани ҳамоно мақбара томига қўниб ўтирган бир гала каптарлар бараварига ҳавога кўтарилишган. Уларнинг қанот қоқиб учишидан "Аттаҳур" — деган овоз садоси янграган экан. Шайх Умар Боғистоний бу овозни айни вақтда башорат деб билиб, чақалоққа Ховаңд Таҳур деб исм қўйган экан. Ховаңд Таҳур — пок шайх деганидир.

Бул зотнинг аждодлари насабномасига қараганда ўн олти ота-бобо билан пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан кейин халифалик маснадига (тахтига) ўтирган чорёрлар (чаҳор ёрони бо сафо)нинг иккинчиси — ҳазрат Умар ибн Хаттобга бориб туташар экан.

"Рашаҳот"да ёзилишича, Шайх Хованд Таҳур тасаввуфга оид айрим иборалар, жумладан "тавҳид" ва бошқа муаммоларни шарҳлаганлар, шунингдек шеърият билан ҳам шуғулланганлар. Нақл қилинишича, Шайх Хованд Таҳурнинг кулоҳлари бош оғриғига шифо берган, шунингдек, аёлларнинг ҳомиладан бўшаниш жараёнини енгиллаштирган. Ул зотнинг қабрлари устидан ўсиб чиққан дарахт соясида ўтирган ҳар қандай бемор барча дардларидан халос бўлар экан. "Рашаҳот"да хабар берилишича, Шайх Хованд Таҳурнинг Довуд исмли ўғиллари бўлиб, ул зот ҳам падари бузрукворлари ҳузурида илоҳиёт ва тариқат илмидан сабоқ олиб, етук каромат соҳиби бўлиб етишган эканлар.

Шайх Хованд Таҳур 1355 йилда вафот этиб, ҳозирги Шайхонтоҳур мақбараси ўрнашган жойга дафн этилган. Шайх дафн этилган мозор тез орада зиёратгоҳга айланади. Шайхнинг мурид ва мухлислари томонидан ул зотнинг инсоний фазилатлари ва кароматлари эл орасида кенг тарқалиб, мозор эса муқаддас жойга айланади. Секин-аста мозор атрофида янги-янги сағана ва қабрлар пайдо бўлиб, шаҳарнинг энг катта ва муқаддас қабристонига айланади. Мазкур қабристондан ўрин олган марҳум ва марҳумалар юксак даражада эъзозлана боради. Бинобарин шаҳарнинг нуфузли кишиларининг жасадларини мазкур қабристонга дафн этиш одат тусига киради.

XV асрнинг иккинчи ярмида Хўжа Аҳрор Валий Шайх Ховаңд Таҳур қабрлари устига мақбара қурдирадилар. Зотан Шайх Ховаңд Таҳур Хўжа Аҳрор Валийнинг волидайи муҳтарамаларининг амакилари бўлган. Аммо мазкур мақбара замонлар ўтиши билан путурдан кетиб, нураб бизгача етиб келмаган. Ҳозирги мақбара эса аввалги мақбаранинг тарихи ва кўринишини сақлаган ҳолда XIX асрда қайтадан қуриб тикланади. Мақбара ўзининг ҳажми бўйича камтарона бўлиб, икки бўлмадан иборат, усти гумбаз билан қопланган.

Шайхонтоҳур ҳудудидаги иккинчи мақбара — Қалдирғочбий мақбарасидир. У Шайх Хованд Таҳур мақбарасининг шимолий тарафида бўлиб, камтарона шакл ва кўринишга эгадир. Қалдирғочбий мақбарасининг қачон ва ким томонидан бино қилингани ҳақида аниқ маълумот учрамайди. Мақбаранинг меъморчилик услубига қараб, XV асрнинг биринчи ярмида қурилган деб тахмин қилишга асос бор. Қалдирғочбийнинг ўзи ҳақида ҳам муфассал маълумот учрамайди. Фақат "Абдулланома" асарининг муаллифи Ҳофизи Таниш Бухорийнинг берган маълумотига қараганда. Қалдирғочбий Хўжа Аҳрор Валийнинг авлодларидан бўлиб, Мўғулистонда ҳукмронлик қилган. Халқ орасидаги ривоятларга кўра, у асли қипчоқ бўлиб, Мўғулистон шаҳзодаларидан бўлган. Бошқа бир ривоятга кўра, у дуғлат уруғидан чиққан Тўлабий исмли қозоқ бийларидан бўлиб, Катта Жузда (ўрда) ҳукмронлик қилган ва Қалдирғочбий лақаби билан машҳур бўлган.

Қалдирғочбий мақбараси тўрт бурчак шаклида бўлиб, ички қисми асосий залнинг (бўлма) тўрт тарафида тўрт тахмон билан ишланиб, бурчакларида кичик ҳужралар мавжуд. Асосий залнинг остки қисмида унча катта бўлмаган тўрт бурчак шаклида даҳма бўлиб, унга кириш йўли шимол томондан қўйилган.

Шайхонтоҳур ҳудудида жойлашган учинчи мақбара — Юнусхон (1416—1487) мақбарасидир. Мақбара Шайх Хованд Таҳур мақбарасининг шимолий-ғарбий қисмида жойлашган. Юнусхон мақбараси Тошкент ҳудудида Темурийлар даврига оид бўлган энг қадимий ва камёб обидадир. Мақбара Юнусхон шарафига унинг кичик ўғли Султон Аҳмад Алачахон тарафидан 1487—1502 йилларда қурилган. Юнусхон Чингизхон авлодига мансуб бўлиб, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг волидайи муҳтарамасининг отасидир.

Юнусхон Мўғулистонда ўз акаси билан тахт талашиб енгилгач, бошпана сўраб аввал Улуғбек Мирзо Кўрагон ҳузурига, ундан сўнг Шоҳрух Мирзо ҳузурига келади. Улар Юнусхонни мўғулларга қарши қўядилар. Юнусхон гоҳ Темурийлар томонида туриб мўғулларга қарши, гоҳида мўғулларга бирикиб Темурийларга қарши курашади. Ниҳоят Юнусхон Еттисув ҳамда Шарқий Туркистонни қўлга киритади. Шундан сўнг 1485 йилда Тошкентни забт этади. Юнусхон 1487 йилда фалаж касали билан вафот этади.

Юнусхон мақбарасидан нарироқда кўк йўтални даволовчи — Кўкйўталлик ота ҳамда чорва ҳайвонларини даволовчи — Қабз ота қабрлари бўлган. XVIII — асрнинг охири ва XIX асрнинг бошидан Шайхонтоҳур майдони янада муқаддас ва гавжум зиёратгоҳга айланади. Зеро Тошкентнинг ўша давридаги ҳукмдори Юнусхўжа (XVIII асрнинг охири ва XIX аср боши) Шайх Хованд Таҳурнинг авлодларидан эди. Бинобарин унинг ройиши билан Шайхонтоҳур майдони шаҳарликларнинг энг муқаддас зиёратгоҳи ҳамда ҳайит ва байрамларда турли-туман ўйин кулги ва кўнгил очар томошалар ўтказиладиган майдонга айланади.

Зиёратгоҳ ҳудудида бир неча масжидлар жойлашган бўлиб, қабристонга кираверишда Занжирлик масжиди ҳамда Юнусхон мақбарасининг ғарбида Хотин масжид бўлган. Бундан ташқари 1908—1910 йилларда асли келиб чиқиши наманганлик Ҳожимат Эшон Шайх Хованд Таҳур билан Қалдирғочбий мақбаралари оралиғида Аврат масжидини қурдиради. Шунингдек зиёратгоҳга кираверишда атрофи баланд дарахтлар билан ўралган Лангар номли катта ҳовуз ҳам бўлган.

Шайхонтоҳур ҳудудида бир неча юз йиллик азамат чинорлар бўлиб, улар остида шийпонлар, чойхоналар, ҳар хил ширинлик ва матолар билан савдо қиладиган дўконлар, ошхоналар ҳамда томошабинлар учун махсус қурилган болахоналар бўлган. 1917 йилда Шайхонтоҳур зиёратгоҳига ҳам қизил инқилобнинг суронли тўфони етиб келади ва шу ерга жойлашган Эшонқули мадрасаси ёнида митинг ва намойишлар бўлиб ўтади. Дарвоқе мазкур Эшонқули мадрасаси 1884 йилдан бошлаб рус-тузем мактаби бўлиб турган. Шайхонтоҳур зиёратгоҳи 1924 йилда ёпиб қўйилган. Чиллахона ва бошқа иншоотлар бузиб ташланган. Эшонқули мадрасаси биносига киностудия кўчиб келади ва 1964 йилда мазкур мадраса бутунлай бузиб ташланади. 1967 йилга келиб кутубхона вазифасини ўтаб турган Хотин масжид ҳам бузиб ташланади. Шунингдек, Шайхонтоҳур зиёратгоҳига ҳозирги Алишер Навоий номли кўча тарафидан тарҳи худди мадраса дарвозаси шаклида ишланган маҳобатли дарвоза орқали кириларди. Мазкур дарвоза тошкентлик уста Абулраҳим томонидан 1892 йилда қурилган бўлиб, салобатли, кўркам гумбазли, баланд пештоқли қилиб, пишиқ ғиштдан қурилган эди. Дарвозанинг қўштабақали ёғоч эшигида Шарқ ўймакорлик санъатининг сўнгги ютуқлари мужассамлашган эди. Бироқ, А. Навоий кўчасини кенгайтиришда кўчанинг ўртасига тўғри келиб қолган дарвозахона олиб ташланишга тўғри келади. Эндиликда Шайхонтоҳур зиёратгоҳида фақат учта мақбара ўтмишдан ёдгор бўлиб турибди.

**Турғун ФАЙЗИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими.**

*Келажагимиз—мактабда*

# БЎЛАЖАК ШАРҚШУНОСЛАР МАСКАНИ



Истеъдодли ёшларни излаш, уларни махсус дастур асосида тайёрлаш, хорижий мамлакатларга юбориб ўқитиш каби тадбирлар мустақил республикамизнинг тараққиёт босқичига олиб чиқишдаги муҳим вазифаларимиздан биридир. Юртимизда сўнгги пайтларда очилаётган янги турдаги ўқув муассасалари — гимназия, лицей, коллежлар, айрим фанларни чуқур ўргатишга ихтисослашган мактаблар республикамизнинг интеллектуал бойлигини ўстириш мақсадига қаратилган. Айниқса Собир Раҳимов туманидаги шарқ тилларини чуқур ўргатишга ихтисослашган 309-лицей республикамиз учун яқин келажакда юқори малакали шарқшунос мутахассислар етиштиришнинг кўп босқичли тизимида муҳим бўғинни ташкил этади.



— Лицейда таълим таркибан икки босқичдан иборат, — дейди лицей директори Абдулла Раҳматуллаев. — Биринчи босқич VIII—IX синфларни ўз ичига олади. Бу босқичда ижтимоий фанлардан чуқур ва такомиллашган билим бериш билан бирга шарқ тиллари, хусусан, араб, форс, турк ва ҳинд тиллари ҳамда инглиз тилини мукаммал ўрганиш, бу тилда эркин сўзлаша олиш, уни тўлиқ тушуниш кўникмалари амалга оширилади. Иккинчи босқич, яъни X—XI синфлар шарқ мамлакатларининг тарихи, маданияти, этнографияси, географияси, урф-одатлари ва бошқа хусусиятлари билан боғлиқ махсус курслар инглиз ёки танланган ихтисослик тилида бевосита ўргатишга асосланган. Шу билан бирга мазкур юқори босқичда ўқувчилар шарқ тиллари ва инглиз филологиясининг назарий асослари билан танишиш, таржимонлик амалиёти, оғзаки нутқ ва талаффузни ўстириш билан шуғулланадилар.

Лицей таълими ўз олдига қўйган энг асосий вазифа жаҳон талаблари даражасида фикр юрита оладиган, ҳар томонлама интеллектуал ривожланган инсонни яратиш бўлиб, ушбу инсон учун илмий изланишни энг муҳим шарт қилиб қўяди. Илмий-тадқиқот билан шуғулланишга мойилликни шакллантириш, уни тарбиялаш, шароит яратиш, тақдирлаш ўқитувчилар жамоасининг асосий бурчидир. Бугунги кунда лицейнинг барча илмий гуруҳларида олиб б рилаётган изланишларнинг мавзуси ва



кўлами бениҳоя ранг-баранг. Бу гуруҳлар муаллимлар томонидан ташкил этилган. "Аҳли ал-илм" номли илмий жамиятнинг асосини ташкил этади. Бу илмий жамиятнинг мақсади иқтидорли, изланувчан ёшларни аниқлаш, уларга тўғри йўлланма бериш, дастлабки изланишларида қўллаб-қувватлаш, мустақил илмий фаолият кўникмаларини шакллантиришдан иборат.

Лицейда ўқув машғулотларини кенг кўламда ташкил этиш учун барча имкониятлар мавжуд. Аммо танлов йўли билан қабул қилинган баъзи ўқувчилар билимида ўрта умумтаълим мактабларидаги жуда суст бериладиган билимлар акс этиб туради. Уларни лицей таълими талабалари даражасига кўтариш учун жуда кўп вақт ва ортиқча куч сарф этишга мажбур бўлинмоқда. Хўш, бу муаммони қандай ҳал этиш мумкин. Унинг биринчи йўли — ўзбек-турк лицейлари ва баъзи янги турдаги мактабларда бўлгани каби лицей қошида тайёрлов гуруҳларини ташкил этишдир. Иккинчи йўли эса шаҳримиздаги хорижий тилларни ўргатишга ихтисослашган мактаблардан иқтидорли ўқувчиларни излаш, улар ўқиётган мактаб шароитида анкета-сўров тадбирларини ўтказиш, қобилиятли ўқувчиларни лицейга таклиф этиш, улар учун қизиқарли учрашувлар ўтказиш билан боғлиқ.

Ўқитувчилар жамоаси бу борада иккинчи йўлни танлади. Ҳозирданоқ тумандаги бир неча ихтисослашган мактаблар билан шу мақсадда боғланиб, иқтидорли ўқувчиларни танлаш режаси тузилди. Бундан ташқари лицейда шарқ тилларини ўқитиш сифатини яхшилашнинг яна бир йўли ўқувчиларни чет эл фуқаролари билан бевосита мулоқотини йўлга қўйиш лозим деб топилди. Бунинг учун хорижий мамлакатлар билан, айниқса Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Араб мамлакатлари, Англия, Америка Қўшма Штатлари каби давлатлар билан бевосита ўқитувчи ва ўқувчиларни айирбошлаш ишларини йўлга қўйиш даркор. Юртимизда "Таълим тўғрисида"ги асосий қонунда ўқиш-ўқитишнинг бу истиқболли усулига катта эътибор берилиши янги турдаги мактабларнинг истиқболи порлоқ эканини кўрсатади.

**Мурод РИХСИЕВ.**

**СУРАТЛАРДА: лицей директори (ўнгдан чапга) Абдулла Раҳматуллаев, илмий мудирлар Асомиддин Ҳасанов ҳамда Шавкат Ориповлар ўзаро мулоқотда; инглиз тили ўқитувчиси Тўхтахон Қодирова ўқувчилар даврасида, араб тили ўқитувчиси Шоҳиста Юсупова дарс пайтида.**




*Хангома*

# ДАРДИНГНИ ДЎХТИРГА АЙТ

Ўнг биқиним кўққисдан санчиб қолди. Даволаш уйининг рўйхатномасидан мени 31-хонага юборишди. Навбат кутиб ўтирганлардан навбатимни белгилаб олдим. Бўш ўриндиқлардан бирига ўтирдим. Ёнимда ўтирган мўйловдор киши менга юзланиб:

— Жиян, қаерингиз оғрийди? — деди.

— Ўнг биқиним ўқтин-ўқтин санчиб турибди.

— Олдини олганингиз яхши, шифокорга ҳам, шифо топганга ҳам осон, — деди мўйловдор.

— Эҳтиёт бўлиш керак. Бўлмаса охири вой бўлади. Мана, мен икки йилдан бери биқин санчадиган дардга чалинганман, бу ерга келавериб шифокорнинг оёғига чиққан сўғалдек бўлиб қолдим. Шифокор мени кўрса "Сизнинг дардингиз маълум" дегандек дори-дармон ёзиб, тезроқ ҳузуридан чиқариб юборишга ҳаракат қилади, — деди иккинчи бемор.

— Кечалари безовталанмайсизми? Нохуш тушлар кўрмайсизми? — Яна бир бемор сўради.

— Йўқ, йўқ, ҳали у даражагача бориб етмадим.

Беморлар навбатма-навбат ўз дардларини изҳор қила бошлашди. Уларнинг бу ҳолати азага борган аёлларнинг ўз дардларини айтиб йиғлашларини эслатарди. Мендан анча узоқда ўтирган бемор ўрнидан турди, менга яқинлашиб, сўради:

— Бўлар-бўлмас гапирилган нарсаларга асабийлашмайсизми?

— Менинг асаб касалим йўқ.

Бемор эса яна менга саволлар ёғдирди:

— Бошингиз санчиб оғримайдими?

— Мени тинч қўйинг. Бошим санчиб, асабимбузилса мен жиннихонага боришим керак. Худога шукр, жиннихонада эмасман.

— Нима, мени жиннига чиқаряпсанми?

— Менинг сиз билан нима ишим бор? Бу ердагиларнинг ҳаммаси бемор, ўз дардлари билан келганлар, ортиқча гапнинг нима кераги бор?

— Бу ер давохона, беморлар ўз дардларини айтгани келганлар, тушундингми?

— Сиз ҳам дардингизни менда синаб кўрмасдан шифокорга айтинг, — дедим.

Яхшиям дўхтир уни чақириб қолди... Бўлмаса...

**Маҳкам ҚЎЧҚОР ўғли.**

# ҲАЙВОНОТ ОЛАМИДА




• Табиатда энг ингичка ип-ўргимчак ини(тўри)нинг толасидир. Улар одамнинг соч толасидан минг баравар ингичкароқ.

• 1949 йилда Чилида Ларгибель исмли сувори Хауза лақабли ўн беш яшар отида 2 метр 47 сантиметр баландликка сакради. Бу — отнинг устидаги суворийси билан бирга сакраш рекорди. Узунликка сакраш бўйича ҳам чемпион — от. Бу соҳада қўйилган рекорд—22 метр-у 28 сантиметр.

• Битта сигир кунига 82,15 литр сут бера олади. Бу — жаҳон бўйича қўйилган рекорд. 1941 йилда Вологда вилоятидаги "Долшин" жамоа хўжалигида ярославль зотига мансуб Вена лақабли сигирдан бир кунда ана шунча сут соғиб олинди.

• Мамба — Африкадаги заҳарли илонларнинг энг даҳшатлиси. У чаққан одам 20-30 дақиқа ичидаёқ ўлиб қолади. Бундан ташқари мамба ҳаддан ташқари тез, соатига 11,3 километр тезликда ҳаракатланади.

• Энг узун ва бақувват тирноқли ҳайвон "тату гиганте" деб аталувчи йирик броненоцесдир. Бу жонивор тирноқларининг узунлиги ҳам, бўйи ҳам кафтдек келади.

• Геркулес-қўнғиз биздаги энг йирик шохли қўнғизлардан икки баравар каттароқдир. Геркулес ва титан — дунёдаги қўнғизларнинг энг каттаси, энг йириги бўлиб, узунлиги 16—18 сантиметрга тенг.

• Маймунлар орасида энг кичиги — чичико. Унинг катталиги каламушдек келади, кафтингизга бемалол жойлашади. Бу маймунларнинг макони Амазонка дарёси бўйидаги қалин тропик ўрмонлардир.

**Собир БОЗОРБОЕВ.**

# СИЗ ГУНОҲКОР ЭМАССИЗ, БЕГУНОҲ ҲАМ...

*Фильм-ҳикоя ёки Ҳафизага очиқ хат*



Ҳаёл оғушидаги гўзал. Козим Ўлмасов сурат-лавҳаси.

**Нурилла Отахоновнинг "Оқ бино оқшомлари" ҳикояси асосида суратга олинган фильм қаҳрамони Ҳафиза сиймосини яратган актриса Лола Сайдалиева бизнинг суҳбатдошимиз. Лола ҳали кино оламида кўп роллар яратмаган. Санъат даргоҳига кириб келаётган умидли, ёрқин юлдузлардан. Актриса иштирок этган фильм кўпчилик томошабинларни бефарқ қолдирмади. Газетхонларимизнинг ёдларига тушгандир, асар Ҳафиза деган қизнинг аянчли тақдири ҳақида ҳикоя қилади. Ҳафиза ёқимтой, чиройли, оғир, босиқ келишган қиз. У мактабни тамомлайди. Ҳафизага кунларнинг бирида икки қишлоқдан бир-биридан бехабар совчилар келишади. Бири Шарифжондан (Фотиҳ Жалолов), бири Авазбекдан (Беҳзод Муҳаммадкаримов). Ҳафизага иккала йигит ҳам севги изҳор қилади. Ҳафиза Шарифжонга турмушга чиқади. Шарифжон шаҳарда ўқиб, дам олиш кунлари оиласига келар, Ҳафиза эса далага чиқар эди. У бир куни тасодифан Авазбекни кўради. Авазбек Ҳафизага севгиси, садоқатини, усиз ҳаётининг маъниси йўқлигини билдиради. Унга нисбатан Ҳафизанинг раҳми келади, қизлик давридаги самимий муҳаббати уйғонади...**

**Ҳафиза шу-шу Авазбек билан оқ бинода оқшомлари учрашиб юради. Авазбекнинг баъзи қалтис хатти-ҳаракатлари, сўзлари Ҳафизанинг "кўзини очади". У ўзини шайтон йўлига кириб алданган, хорланган, гуноҳкор сезади, руҳан қийналади.... Оқибат Ҳафиза қизалоғи йиғисини ҳам, ҳаёти, ёшлиги, инсонлигини унутиб, одамлар орасида ўзга дунёда ўзи танҳо яшай бошлайди.**

**Ҳикоя, у асосида ёзилган сценарий, суратга олинган қисқа метражли фильмда инсон руҳиятининг мураккаб қарама-қаршиликлари, ақл ва юрак ҳукмию ҳаётнинг, умрнинг мазмунини таҳлил қилиш томошабин эътиборига ҳавола қилинади.**

**Ушбу бадиий фильм Ҳ. Файзиевнинг илк режиссёрлик иши бўлишига қарамай, анча пухта, бадиий жиҳатдан кучли. Танланган актёрлар ҳам ижрони қиёмига етказишган.**

**— Лола, "Оқ бино оқшомлари" бадиий фильми кўпгина фикр-мулоҳазалар уйғотди. Бунинг сири нимада: сценарийдами ё актёрлар ижросида?**

— Бунга энг асосий сабаб Нурилла Отахоновнинг ҳикояси. Унда ўзбек аёлининг руҳий кечинмалари, иккиланишлари очиб берилади.

**— Ҳафизага муносабатингиз қандай?**

— Ҳафизага муносабатим... Унга ачинаман. Унда журъат йўқ. Ўз ҳаёти учун кураша олмайди. У она эди. У ҳис-туйғуларини қадрладию, бурчини унутди.

**— Нега унинг тақдири шундай бўлди?**

— "Икки кемани ушлаган одам ғарқ бўлади", — деган гап бор. Ҳафиза буни кеч тушунди. Шарифжон билан яшашда ҳам ҳаётининг мазмуни йўқлигини англаган заҳоти, очиқ-ойдин айтиб, тақдирини Авазбек билан боғлаши керак эди.

**— Ҳафизага Шарифжон айтганидек "тушуниш қийиндек". Сизнингча-чи? Уни сиз тушуна олдингизми?**

— Тушунишга ҳаракат қилдим. Атрофимизда шундай қисматга эга аёллар бор. Улар ўз тақдирларини ўзлари ҳал қилишлари керак. Ҳафизанинг бу йўлга киришида Шарифжоннинг ҳам айби бор.

**— Бу ролни ижро этганингизда турмуш ўртоғингизнинг сизга муносабати қандай бўлди?**

— Турмуш ўртоғим билан шу фильм "баҳона" танишганмиз. Улар Авазбекка синов бергандилар. Кейин турмуш курдик. Фарзандимиз бор. Улар актёр бўлганликлари учун ҳам мени тўғри тушунадилар.

**— Агар сиз ҳам Ҳафизанинг вазиятига тушиб қолганингизда нима қилар эдингиз?**

— Бунақа савол берманг, илтимос. Менимча аёл киши учун аввало оналик бурчи ҳар қандай севги-муҳаббатдан устун бўлиши керак. Оила — муқаддас, муҳаббат замирида ҳақиқий севги ҳам сароб бўлиши мумкин. Муҳаббат олий туйғу. Уни оиладан ташқари бўлса эҳтиросдан устун қўйишга, оёқ ости қилмасликка куч топа олинг. Муҳаббатингизни қозонган оодам ам инсон. Уни қуёш деб билинг, сизга кераклигини билиб турсин, лекин яқинлашманг. Ўзингиз куйиб, қуёшингизни ҳам куйдирманг. Уни ой деб билинг. Ғам-андуҳга тўла қалбингизни мунаввар қилсин-у, ойнинг жамолидаги доғлардек, қалбига доғ солманг. Шунда муҳаббатингиз меҳрга айланиб, у сизни паноҳим деб билиб, сизга талпинади. Бундан ортиқ бахт борми?

**Мен Ҳафиза ҳақида ўйлаганимда қийналиб кетаман. Лекин, содда, кўнгилчан бу қиз кимнинг, нимаенинг қурбони бўлди? Нега айнан Ҳафизанинг тақдири шундай бўлди, Авазбекнинг эмас? Бундай саволларга жавоб топмоқ учун Ҳафизани ахтараман, уни кўргим келади, лекин... Келинг, Лола, сиз яна Ҳафиза бўлинг, менга дилингизни очинг:— Ҳафиза, Авазбекни севармидингиз?**

**— Ҳа.**

**— Севгингизни оқламади-ку!!!**

**— ...**

**— Оиланинг бузилишига энг асосий сабаб — хиёнат. Сиз Шарифжонга хиёнат қилдингиз!**

**— Мен ўзимга хиёнат қилмадим, Авазбекни севардим.**

**Ҳафиза! Сиз содда, кўнгилчан, ҳаёт нималигини билмаган қизсиз. Нега дейсизми? Сиз ҳаётда адашдингиз. Ўзингизни ўнглаб ололмадингиз. Ҳаммани ўзингиздек деб билиб, ҳаётни ўз қаричингизда ўлчадингиз.**

**Сизни ҳеч ким алдамади. Сиз ўзингизни ўзингиз алдадингиз. Сизни асло гуноҳкор ҳам қила олмайман, бегуноҳ ҳам эмассиз...**

**Маҳлиё МИРСОАТОВА.**

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

